



МЕҲНАТ ҚИЛИШ ҲУҚУҚИНИНГ ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ТИЗИМИДА ТУТГАН ЎРНИ

Усманова Муборак Акмалджановна

Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети
профессори, ю.ф.д., профессор

<https://www.doi.org/10.37547/ejlfas-v03-i02-p1-31>

ARTICLE INFO

Received: 16th February 2023

Accepted: 23th February 2023

Online: 24th February 2023

KEY WORDS

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси, меҳнат қилиш ҳуқуқи, меҳнат қонунчилиги, меҳнат бозори, ёлланма меҳнат, меҳнат стандартлари, бандлик, тадбиркорлик.

ABSTRACT

Ушбу мақолада меҳнат қилиш ҳуқуқининг халқаро ҳужжатларда ҳамда миллий қонунчилигимизда кафолатланганлиги, бу ҳуқуқнинг амалда таъминланиши масалалари илмий таҳлиллар ва амалий мисоллар орқали ёритиб берилган.

Меҳнат қилиш ҳуқуқи – инсоннинг энг муҳим табиий ҳуқуқларидан саналади. Меҳнат қилиш ҳуқуқининг амалда таъминланганлиги шахс мавқеининг мустаҳкам бўлиши, унинг нафақат иқтисодий жиҳатдан мустақиллиги, балки жамиятдаги ижтимоий мавқеининг белгиланишида ҳам ҳал қилувчи рол ўйнайди.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида[1] эълон қилинган энг муҳим ҳуқуқлардан бири – меҳнат қилиш ҳуқуқидир. Зероки, инсон ўз меҳнати билангина фаровон турмушга эга бўлиши, ўзини жамиятнинг тўлақонли аъзоси сифатида ҳис қилиши, шахс сифатида ўз истеъдод ва салоҳиятини тўлиқ рўёбга чиқариши мумкин бўлади.

Меҳнат қилиш ҳуқуқи ва имконияти ҳар бир инсонга тақдим этилиши, унинг учун давлат ва жамият томонидан тегишли ташкилий-ҳуқуқий, иқтисодий чора-тадбирлар кўрилиши, унумли ва сифатли меҳнат қилиш учун шароит яратилиши лозим. Бунда давлат ўзининг қонунлари орқали фуқароларининг меҳнат қилиш ҳуқуқларини эътироф қилиши, уларни рўёбга чиқарилиши ва самарали ҳимоя этилиши учун тегишли ҳуқуқий кафолатларни яратиб бериши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, “...Айни пайтда биз инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш ва таъминлашда амалга оширган ишларимиздан кўра, олдимизда турган вазифалар кўп эканини ҳам яхши тушунамиз. Маълумки, бу олий қадриятни том маънода қарор топтириш – бирон-бир манзилга етиб бориб тўхташ, дегани эмас. Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш узлуксиз давом этадиган жараён эканини барчамиз чуқур англаймиз. Жаҳон тарихи ва демократик давлатлар тажрибаси ҳам шундан далолат беради [2].



Меҳнат қилиш ҳуқуқини амалга ошириш чоғида инсонларнинг амалдаги тенглиги таъминланиши кераклиги энг муҳим принциплардан саналади.

Меҳнат қилиш ҳуқуқларини амалга оширилиши соҳасида тенгсизликка йўл қўйилиши камситиш деб номланиб, инсон ҳуқуқларини энг қўпол шаклда поймол этилиши сифатида ҳалқаро қонунчиликда ҳам давлатларнинг миллий ҳуқуқ тизимларига оид қонунчилик нормаларида ҳам қаттиқ қораланади ва қонунбузарлик сифатида баҳоланади.

Бу масалада Бирлашган миллатлар ташкилотининг ҳам, Халқаро меҳнат ташкилотининг ҳам, шунингдек, қатор регионал халқаро ташкилотларнинг ҳам умумэътироф этилган халқаро ҳуқуқий ҳужжатлари мавжуддир.

Халқаро меҳнат ташкилотининг маълумотларига кўра, юз миллионлаб инсонлар меҳнат муносабатларида камситишларга дуч келмоқда[3].

Ўзбекистон Республикаси миллий қонунчилиги, энг аввало, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси инсонларнинг тенг эканликларини тўла эътироф қилади ва уни муҳим инсон ҳуқуқи сифатида мустаҳкамлайди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 18-моддасида “Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатий назар, қонун олдида тенгдирлар[4].

Имтиёзлар фақат қонун билан белгиланиб қўйилади ҳамда ижтимоий адолат принципларига мос бўлиши шарт” дея эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексида[5] ҳам инсонни камситишга йўл қўйилмаслиги ва бундай ҳатти-ҳаракатлар ҳуқуқбузарлик саналиши белгиланган. Жумладан, Меҳнат кодексининг 6-моддасига кўра: “Барча фуқаролар меҳнат ҳуқуқларига эга бўлиш ва улардан фойдаланишда тенг имкониятларга эгадир. Жинси, ёши, ирқи, миллати, тили, ижтимоий келиб чиқиши, мулкӣ ҳолати ва мансаб-мавқеи, динга бўлган муносабати, эътиқоди, жамоат бирлашмаларига мансублиги, шунингдек ходимларнинг ишчанлик қобилиятларига ва улар меҳнатининг натижаларига алоқадор бўлмаган бошқа жиҳатларига қараб меҳнатга оид муносабатлар соҳасида ҳар қандай чеклашларга ёки имтиёзлар белгилашга йўл қўйилмайди ва булар камситиш деб ҳисобланади.

Меҳнат соҳасида меҳнатнинг муайян турига хос бўлган талаблар ёки давлатнинг юқорироқ ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган шахслар (аёллар, вояга етмаганлар, ногиронлар ва бошқалар) тўғрисидаги алоҳида ғамхўрлиги билан боғлиқ фарқлашлар камситиш деб ҳисобланмайди.

Меҳнат соҳасида ўзини камситилган деб ҳисоблаган шахс камситишни бартараф этиш ҳамда ўзига етказилган моддий ва маънавий зарарни тўлаш тўғрисидаги ариза билан судга мурожаат қилиши мумкин”.

Инсон ҳуқуқларидан яна бири – мажбурий меҳнатнинг таъқиқланганлигидир. Инсон ишни эркин танлаш ҳуқуқига эга. Меҳнатга мажбурлаш қатъий қораланади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ҳам (37-модда) эркин касб танлаш ҳуқуқи кафолатланиши орқали мажбурий меҳнатга йўл қўймаслиги назарда тутилган.



Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 7-моддасига кўра: “мажбурий меҳнат, яъни бирон-бир жазони қўллаш билан таҳдид қилиш орқали (шу жумладан, меҳнат интизомини сақлаш воситаси тариқасида) иш бажаришга мажбурлаш таъқиқланади.

Қуйидаги ишлар, яъни:

- ✓ ҳарбий ёки муқобил хизмат тўғрисидаги қонунлар асосида;
- ✓ фавқулотда ҳолат юз берган шароитларда;
- ✓ суднинг қонуний кучга кирган ҳукмига биноан;
- ✓ қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда бажарилиши лозим бўлган ишлар мажбурий меҳнат деб ҳисобланмайди”.

Мажбурий меҳнат ёки шахснинг эрки – хоҳишига ҳилоф равишда уни муайян меҳнат вазифаларини бажаришга иқтисодий, ҳуқуқий ёки бошқа воситалардан ноқонуний фойдаланган ҳолда муайян жазо қўллаш, ходим учун ноқулай оқибатларни келтириб чиқарадиган қарорлар қабул қилиш таҳдиди билан мажбурлаш таъқиқланади. Чунки мажбурий меҳнат инсон эркини чеклайдиган, ҳуқуқларини камситадиган энг қўпол ҳаракат бўлиб, уни қўлликка солишга қаратилгандир.

Бирлашган миллатлар ташкилоти ва бошқа нуфузли халқаро ташкилотларнинг инсон ҳуқуқлари ҳимояси ва улар кафолатига оид универсал ҳуқуқий ҳужжатларида мажбурий меҳнат инсон шаъни ва қадр қимматини поймол этувчи ҳаракат сифатида баҳоланган.

Жумладан, “Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг” 4-моддасида: ҳеч ким қўлликда ёки эрксиз ҳолатда сақланиши мумкин эмас деб белгиланган. “Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро Пактнинг 8-моддасига кўра: “ҳеч ким зўрлаб ва мажбурлаб меҳнатга жалб этилмаслиги лозим”.

Ушбу моддага кўра қуйидагилар мажбурий ёки шарт бўлган меҳнат жумласига кирмайди ва бундай ҳолларда ишга мажбуран жалб этиш мажбурий меҳнат бўлиб саналмайди:

- а) суднинг қонуний ҳукми ёки қарорига асосан ҳибсда бўлган ёки бундай ҳибсдан шартли озод қилинган шахснинг муайян ишларни бажаришга мажбур қилиниши;
- б) аҳоли ҳаётига ёки осойишталигига хавф солувчи фалокат ёки фавқулотда ҳолатлар рўй берганда мажбурий бўлган бирор бир хизмат;
- в) одатдаги фуқаролик бурчига кирувчи бирор бир иш ёки хизмат;
- г) ҳарбий ёки муқобил хизмат;

Мажбурий меҳнатга жалб этишлик Ўзбекистон қонунчилиги билан таъқиқланган бўлиб, бундай хатти ҳаракатларга йўл қўйган мансабдор ва бошқа шахслар қонун ҳужжатлари билан назарда тутилган жавобгарликка тортиладилар.

Ўзини мажбурий меҳнатга жалб этилган деб ҳисобловчи фуқаро ҳуқуқлари ҳимоя этилишини сўраб ваколатли давлат органларига, жамоат бирлашмалари (қасаба уюшмалари)га ёки бевосита судга ариза билан мурожаат қилиши мумкин унинг аризаси тегишли орган томонидан белгиланган муддат ва тартибларда кўрилиши ҳамда ҳал этилиши лозим.



Болалар меҳнатидан ноқонуний фойдаланиш, бола ҳуқуқлари бузилиши кўринишларидан бўлиб, бундай ҳаракатлар қонун ҳужжатларига кўра жавобгарлик юз беришига сабаб бўлади.

Адолатли ва қулай меҳнат шароитида ишлаш ҳуқуқи ҳам муҳим принциплардан саналади.

Халқаро ҳуқуқий ҳужжатларда ҳам, шунингдек мамлакатларнинг миллий қонунчиликларида ҳам меҳнат жараёнида унинг хавфсизлиги таъминланишига тааллуқли стандартлар назарда тутилган ва “қулай меҳнат шароити” мавжудлигини белгилаш мезонлари мазкур стандартларга кўра белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси ва бошқа меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ҳам меҳнат муҳофазасига оид норма ва қоидаларни назарда тутди ҳамда улар халқаро стандартлар талабларига мос келади.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 16-моддаси ҳар бир ходим хавфсизлик ва гигиена талабларига жавоб берадиган шароитларда меҳнат қилиш, шунингдек иш билан боғлиқ ҳолда соғлиғига ёки мол-мулкига етказилган зарар ўрнини қоплашни талаб қилиш ҳуқуқига эга эканлигини назарда тутди.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 211-моддасига мувофиқ “Барча корхоналарда хавфсизлик ва гигиена талабларига жавоб берадиган меҳнат шароитлари яратилган бўлиши керак. Бундай шароитларни яратиб бериш иш берувчининг мажбуриятига киради.

Меҳнатни муҳофаза қилиш талаблари Меҳнат Кодекси, “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги[6] қонун ва бошқа норматив ҳужжатлар, шунингдек, техник стандартлар билан белгиланади.

Иш берувчи меҳнатни муҳофаза қилиш талабларини бузганлик учун жавобгар бўлади”.

Ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқи энг муҳим инсон ҳуқуқларидан бири.

Ишсизликдан ҳимоялаш ва бандликка кўмаклашишнинг халқаро ҳуқуқий воситалари халқаро ҳуқуқий ҳужжатларда ўз аксини топган. Бунда айниқса, Халқаро меҳнат ташкилоти Конвенция ва Тавсиялари салмоқли ўрин тутди ва улар мамлакатларнинг бу соҳадаги миллий қонунчилик тизимларини шаклланиши ҳамда ривожлантирилишида моддий-ҳуқуқий база бўлиб хизмат қилади, меҳнат ва иш билан таъминлашнинг халқаро андозаларини ташкил қилади.

Халқаро ҳуқуқий тизимларга интеграциялашув жараёнида айниқса Халқаро меҳнат ташкилоти Конвенцияларини ратификация қилиниши катта аҳамият касб этди.

Мамлакатимизнинг миллий қонунчилиги Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 37-моддаси талаблари асосида бандлик ва ишсизликдан ҳимоялашни амалда таъминлашга қаратилган нормалар комплексини назарда тутди ва улар ўз мазмун-моҳиятига кўра, халқаро талаб ва стандартларга тўла мос келади.

Бугунги кунда бозор муносабатларининг жорий этилиши, фуқаронинг иш кучи, жисмоний ва касбий салоҳияти, малака ҳамда кўникмаларини ҳам товар даражасига кўтарилиши, ўзининг соҳибига тегишли бўлган дахлсиз мулк деб эътироф этилишига олиб келади.



Иш кучи (меҳнатга яроқли фуқаронинг жисмоний ва касбий малакавий салоҳияти) шаклланиб келаётган меҳнат бозорида муомалада бўладиган асосий товар сифатида иштирок этди ҳамда талаб ва таклиф нисбатига кўра, унинг баҳоси реал белгилана бошлади.

Меҳнат қилиш ҳуқуқи кенг қамровли тушунча бўлиб, турли туман кўринишларда: ўзини-ўзи иш билан таъминлаш; тадбиркорлик билан машғул бўлиш, эркин касб билан шуғулланиш, жамоат бирлашмалари фаолиятида аъзо сифатида қатнашиш каби шаклда амалга оширилиши мумкин ва унинг қайси кўриниши билан шуғулланиш ҳар кимнинг ўз ишидир. Ҳеч қандай иш билан шуғулланмаслик ҳам мумкин ва бу жавобгарликка олиб келмайди. Чунки, мажбурий меҳнатнинг таъқиқланганлиги муҳим демократик тамойиллардандир.

Фуқаро ўз жисмоний ва касбий салоҳиятидан ўзининг мутлақ мулки сифатида фойдаланиши ҳамда у ўз куч ғайратини қонун билан таъқиқланмаган ҳар қандай соҳага сарфлаши мумкин.

Ўзга шахсларга (юридик ва жисмоний шахсларга) ишга ёлланиш орқали меҳнат қилиш ҳуқуқини амалга оширилиши, меҳнат ҳуқуқларидан фойдаланишнинг бугунги кундаги асосий шаклидир.

Фуқаро иш сўраб корхона ва ташкилот иш берувчисига мурожаат қилганида, уни ишга қабул қилишдан асоссиз бош тортиш мумкин эмас ва фуқаронинг талаби билан ишга қабул қила омаслик сабаби кўрсатилган асосли ёзма жавоб берилиши шарт.

Албатта, Ўзбекистон Республикаси меҳнат соҳасининг кўплаб ўзига хос хусусиятлари бор. Миллий меҳнат бозорида иштирок этаётган миллионлаб меҳнаткашларнинг манфаатларини, шунингдек, турли хил мулкчиликка асосланган ҳолда тадбиркорлик соҳасида фаолият юритаётган тадбиркорларга уларни ривожланишини рағбатлантирувчи шароитларни яратган ҳолда, мажбурий меҳнатдан фойдаланишни чеклаш ва ходимларнинг ҳуқуқларини ҳурмат қилишга йўналтириш бугунги кунда долзарб вазифадир.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, меҳнат қонунчилиги Ўзбекистонда шаклланган меҳнат бозорини ривожланиши, иш берувчилар ва ходимлар манфаатларини давлат органлари кўмагида уйғунлашувига, ижтимоий ҳимояга муҳтож меҳнаткашларнинг ҳуқуқларини ҳимоялашга ва шу орқали ноформал бозордан меҳнат муносабатларини чиқаришга, инсон ҳуқуқларининг таъминланишига хизмат қилади.

References

1. Курбаназарова Н.Ш. Лисоний тизимда этнографик бирликларнинг лингвомаданий асп1. [Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси \(constitution.uz\)](https://constitution.uz)
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022-йил 28-январдаги “2022 — 2026-йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон [Фармони. https://lex.uz/docs-5841063](https://lex.uz/docs-5841063)
3. Issue paper on COVID-19 and fundamental principles and rights at work // https://www.ilo.org/wcmsp5/groups/public/@ed_norm/@ipec/documents/publication/wcms_757247.pdf



4. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси : – Т.: “Ўзбекистон”, 2021 й.
5. Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси. : – Т.: “Адолат”, 2021 й.
6. “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни.
<https://lex.uz.docs>.